2017 йил 22 март, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61–62 (13.394–13.395)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Ўлкамизда байрам шукуҳи

***Халқимиз баҳорга яшариш ва янгиланиш, гўзаллик фасли, дея таъриф беради. Дарҳақиқат, бу фаслда табиат қиш уйқусидан уйғониб турли рангларда жилоланади. Баҳор фасли ўзининг мафтункор байрамларга бойлиги билан ҳам гўзалдир. Юртимиздаги ҳар бир манзил, ҳар бир хонадонда байрамона кайфият, шодлик ҳукмронлигини кўриш мумкин. Мусаффо осмонда варракларни учираётган болалар, қошларига ўсма қўяётган қизалоқларнинг қувончи оламга сиғмайди.***



## НАВРЎЗИ ОЛАМ САЙЛИ – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ

Табиатнинг уйғониши – шўх ирмоқлар ва ариқларда оқаётган сувларнинг шилдираши, боғлардаги булбул навоси оромбахш куйларга қўшилиб, инсонлар қалбига меҳр-оқибат, эзгу ниятларни армуғон айламоқда.

Баҳорнинг зийнати бўлмиш Наврўз халқимизнинг энг қадимий, меҳр-мурувват, саховат, яхшилик, эзгуликка чорловчи байрамидир. Мустақиллигимизнинг шарофати билан Наврўз юртимизда янада кенг, катта шодиёналар билан нишонланмоқда.

Наврўзи олам муносабати билан шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Фурқат, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий, "Локомотив", "Грин Парк", "Дўстлик" (Бобур боғи) маданият ва истироҳат боғларида, "Анҳор-Локомотив", Ўзбек давлат цирки Ибн Сино, "Қуёшча нури", Бинокор шаҳарчаси, Тошкент ҳайвонот боғи олди майдонларида "Юртимнинг баҳори, соғиндик – Наврўз!" деб номланган халқ сайли ва театрлаштирилган концерт дастурлари бўлиб ўтди.

Сайиллар ўтказиладиган жойлардаги саҳналар гуллар, шарлар, осори-атиқалар, баҳор фасли тасвирланган самодаги Ой, Қуёш, юлдузлар буржларининг акси туширилган паннолар билан байрамона бадиий тарзда безатилди. Майдонларнинг кириш қисмида миллий кийимлардаги карнай-сурнай дасталари меҳмонларни байрамга чорлаган бўлса, расталардан Наврўз таомлари – ҳалим, сумалак, кўк сомса, ширинликлар жой олди.

Байрам сайилларида Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари томонидан бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими эстрада хонандалари ва гуруҳларининг баҳор, Ватан, муҳаббатни тараннум этувчи куй ва қўшиқлари янгради. Бундан ташқари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотлари томонидан майдонларда варрак учириш, авиамоделчилар танловлари, спорт мусобақалари, шахмат, шашка, стол тенниси, тош кўтариш, арқон тортиш, кураш, миллий ўйинлар ташкил этилди.

Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган. Чунки у тинчлик, омонлик, аҳиллик байрами. Бунга биз Пушкин хиёбони ҳудуди Республика Байналмилал маданият маркази биноси олдида ўтказилган халқ сайлига ташриф буюриб яна бир бора амин бўлдик.

Байналмилал маданият маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги миллий маданият марказлари, дипломатик корпус вакиллари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди. Турли миллат ва элатларнинг маданияти, тасвирий ва амалий санъатига оид кўргазмалар ташкил қилинди. Санъат усталари ва миллий маданият марказлари ансамбллари, Республика эстрада-цирк коллежи талабалари иштирокида концерт намойиш этилди.

– Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳилликда яшаб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, – дейди Ўзбекистон Уйғур маданий марказ аъзоси Тенкин Турахметов. – Уларнинг маданияти, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаши, янада ривожлантириши, миллий маданият марказларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ҳамжиҳатлик байрам саҳнасида ҳам ўз ифодасини топди. Турли тиллардаги куй-қўшиқларда юртимиздаги миллатлараро тотувлик, умумбашарий қадриятлар намоён бўлди. Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва тинчлиги, халқимизнинг бирлиги ва бағрикенглиги, дўстлик ва муҳаббат тараннум этилди. Ҳар йили Наврўзни мамлакатимиздаги турли миллат ва элат вакиллари баҳорий неъматлар тортилган тўкин дастурхон атрофида бирга нишонлайди. Наврўз жамиятимиздаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди.

"Ўзбекистон – умумий уйимиз" эканлигини яққол тасвирлаган турли кўргазмалар, бадиий жамоалар иштирокидаги концертлар юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданияти тобора гуллаб-яшнаётганини халқимизга яна бир карра намоён этди.

– Наврўзи олам ўзида қадимий анъана ва урф-одатларимиз, меҳр-оқибат ва саховат каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиши билан ажралиб туради, – дейди навоийшунос олима, филология фанлари номзоди Дилбар Рўзиева. – Бир неча минг йиллик тарихга эга ушбу байрам аждодларимиз томонидан шарқона "Янги йил" сифатида кенг нишонланиб келинган. Деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз шодиёналарида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида яшаб келмоқда. Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона Янги йил дебочаси, энг қадимий асл миллий байрам. Мунаввар кунларда она табиатдан баҳра олиб, сумалак, ҳалим, гўжа ва кўк сомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхон атрофида Наврўз қувончларини ўз яқинлари билан нишонлашнинг ўзи катта бахт.

*(Давоми 2-бетда)*

**2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**

## МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида янги босқични бошлаб берди.***

Яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқлар ҳамда чеклашларни бартараф этиш, ишбилармонликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик беришга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборга молик. Банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этиш, хусусан, миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар бу борадаги кенг кўламли ислоҳотлар изчиллигига хизмат қилади.

Белгиланаётган устувор вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш пул-кредит сиёсатининг устувор йўналишларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Зеро, бозор иқтисодиёти моделида банк тизими иқтисодий механизмларнинг тўкис ишлашида муҳим ўрин тутади. У умумий пул массасини мувофиқлаштириш, молиявий оқимлар ҳаракатини назорат қилиш, пул маблағларини жамлаш ва инвестиция қилиш, хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, тармоқлар ва аҳолини кредит маблағлари билан таъминламоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

***Тошкент давлат аграр университетида Европанинг етакчи олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасалари ва тегишли вазирликлар билан ҳамкорликда Европа Иттифоқининг Tempus дастури доирасида Uzhealth лойиҳасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент давлат аграр университети ректори Б.Сулаймонов ва бошқалар мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган мазкур лойиҳа улкан самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Европа Иттифоқининг Tempus дастури доирасида 2013 йилдан буён Uzhealth лойиҳаси ташкил этилиб, у юртимиздаги олий таълим муассасаларининг саломатлик, соғлиқни сақлаш, ветеринария, озиқ-овқат хавфсизлиги, экология йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган. Лойиҳа доирасида салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида урғу берилмоқда. Натижада мамлакатимиз ёшлари хориждаги нуфузли таълим даргоҳларида билимини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида Европанинг тўртта етакчи таълим муассасаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ва ўнта энг нуфузли олий таълим муассасалари талаба ва профессор-ўқитувчилари ўртасидаги ҳамкорлик самарали йўлга қўйилган.

– Мазкур лойиҳа мамлакатимизда олий таълим тизимини янада ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини юксалтиришда муҳимдир, – дейди Тошкент давлат аграр университетининг халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Санжар Одилов. – Талабаларимиз ва ўқитувчиларимиз хориждаги ҳамкор таълим даргоҳларида ўз билимини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқда.

– Мен мазкур лойиҳа доирасида Европада ташкил этилган уч ойлик ўқув курсида иштирок этдим, – дейди Бухоро давлат университети биология кафедраси ўқитувчиси Шаҳноза Шаропова. – Инсон саломатлигига таъсир кўрсатаётган бир қанча омиллар, хусусан, озиқ-овқат хавфсизлиги, атроф-муҳит тозалиги каби долзарб масалаларни ҳал қилиш борасидаги машғулотларда қатнашдим.

Тадбирда таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, малакали кадрларни етиштириш тизимини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Сирдарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Фарғонада ўтказилган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида 150 дан ортиқ ишланмалар намойиш этилди. Илмий муассасалар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида 1 миллиард 748 миллион сўмликдан зиёд шартномалар имзоланди. Анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида мавжуд талабни инновация соҳасидаги таклифлар билан уйғунлаштириш, инноваторлар ва инновация лойиҳалари инвесторлари ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**

**• Қаршида "Энг намунали сардорлар кенгаши" танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Уч шарт бўйича ўтказилган танловда Китоб тумани сардорлар кенгаши аъзолари биринчи ўринни эгаллади ва мамлакат босқичига йўлланма олди. Тадбир сўнггида "Бирлашиб, биз катта кучмиз!" шиори остида концерт дастури намойиш этилди.**

**• Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Андижон шаҳридаги маҳалла гузарларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркаси иш бошлади. Андижон вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган ярмаркалардан фермер хўжаликлари, "Андижонгўштсутсавдо", "Андижонбалиқ", "Элга хизмат" масъулияти чекланган жамиятлари, вилоятдаги агрофирмалар, паррандачилик корхоналари томонидан етиштирилган ва ишлаб чиқарилган мева-сабзавот, озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари ўрин олган. Савдога қўйилган маҳсулотлар нархи бозордагига нисбатан анча арзон ва сифатли.**

### ЖАҲОНДА

**• Венесуэла Миллий ассамблеяси (парламенти) бир овоздан мамлакатда гуманитар инқироз юзага келгани тўғрисида резолюция қабул қилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилишида муаммолар бўйича текширувлар ўтказиш учун комиссия тузиш лойиҳаси маъқулланди. Нефть нархи арзонлашуви ортидан юзага келган инфляция ва давлат даромадлари камайиши, шунингдек, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳукумат ўртасидаги узилиш туфайли мамлакатда озиқ-овқат товарлари етишмовчилиги кузатилмоқда.**

**• Спортнинг пауэрлифтинг тури бўйича Узоқ Шарқ чемпиони, россиялик полвон Иван Савкин 312 тонналик порт кранини иккинчи уринишда 1,5 метрга суришга муваффақ бўлгани ҳолда ўзига хос жаҳон рекордини ўрнатди.**

**• Таиланд полицияси мамлакат бош вазирига уюштирилаётган суиқасднинг олдини олишга муваффақ бўлди.**

*Ўлкамизда байрам шукуҳи*

# НАВРЎЗИ ОЛАМ САЙЛИ – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ





*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**Яккасарой** туманидаги "Дўстлик" маданият ва истироҳат боғига (Бобур боғи) йиғилган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари эътиборига Наврўз байрами сайлида Наврўз, баҳорни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, катта ашула, лапарлар, аския, фольклор жанри, миллий халқ ўйинлари, цирк усталари, полвон, дорбоз, масхарабозларнинг чиқишлари, театрлаштирилган томошалар кўрсатилди. Карнай-сурнай садоларидан сўнг "Жарчилар ҳангомаси" театрлаштирилган композицияси, Баҳорой ва Деҳқонбобонинг чиқишлари намойиш этилган бўлса, "Юртимнинг баҳори, соғиндик – Наврўз!" бўлимида фольклор-этнографик жамоалар томонидан деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари ва халқ маросимлари ижро этилди, янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, ер ҳайдаш, уруғ сочиш, сумалак пишириш, мучал ёшидаги ўғил болаларга кўчат экиш каби миллий урф-одатларимиз кўрсатилди. Ўзбекистон халқ артисти Мурод Ражабовнинг чиқишлари катта-кичикка бирдай манзур бўлди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари – "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Отабек Муталхўжаев, Машҳурбек Раимжонов, Мадина Мумтоз томонидан куйланган қўшиқлар ҳамда Яккасарой тумани маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, "Баркамол авлод" болалар марказининг тўгарак аъзоларининг чиқишлари туман аҳлига баҳорий кайфият улашди.

– Наврўз аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонланиб келинаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади, – дейди уй бекаси Муҳайё Акромова. – Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, Наврўз шукуҳи кезиб юрганини ҳис қиласиз. Ҳар йили оиламиз билан Наврўз байрамини орзиқиб кутамиз. Наврўз сайли доимо катта тантана билан нишонланар экан, ҳаётимизга ҳам янгича руҳ кириб келгандек бўлади: янги режалар тузиб, ушбу йилдаги эзгу орзу мақсадларимизнинг мўлжалини оламиз. Ташкил этилган сайилда қалбимиз ғурурга тўлди. Азалий қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда бундай тадбирларнинг ўрни беқиёс деб ҳисоблайман. Фарзандларимга тадбир давомида спортчиларнинг, болалар ашула ва рақс дасталарининг чиқишлари жуда ёқди. Қизим рақсга қизиққани боис тўгаракка қатнайди. Саҳнада чиройли рақсларни ижро этган опаларини кўриб, уларга ҳавас қилди. Бир сўз билан айтганда, сўлим боғдаги бу каби байрам тадбиридан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

**Учтепа** тумани аҳолиси байрам сайлини "Боғишамол" маданият ва истироҳат боғида ўтказди. Карнай-сурнай наволари-ю жарчиларнинг чорлови билан бошланган байрам тадбирида ўзбекона гўзал удумларга амал қилинди.

Ўзбекистон халқ артистлари Элёр Носиров, Зуҳра Ашурова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслоновнинг дил изҳорлари, эл севган хонандалар Ғиёс Бойтоев, Аваз Олимов, Ҳулкар Абдуллаева, Илҳом Фармонов ва Шаҳриёр ижросидаги Наврўзни, баҳорни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар барчага бирдай манзур бўлди. Лапар, аския, фольклор жанри, миллий халқ ўйинлари, цирк усталари, дорбоз, масхарабозларнинг чиқишлари, театрлаштирилган томошалар кўнгилларга қувонч бағишлади.

– Наврўз меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳраманд бўлишга, ҳаётнинг боқийлигига иймон келтиришга ўргатади, – дейди "Қўрғонтепа" маҳалласида истиқомат қилувчи онахон Инобат Исломова. – Наврўзда табиат уйғонади, гина-кудуратлар унутилади, қалбларимиз саховатга тўлади. Илоҳим, юртимизнинг байрамлари кўпайсин, халқимизнинг тинчлигига, тўкинлиги ва фаровонлигига кўз тегмасин.

Байрам сайлида миллий ҳунармандчилик, кулолчилик, наққошлик, чеварлик, осори-атиқа буюмлари намуналаридан кўргазмалар ташкил этилди. "Энг яхши китобхон", "Энг кўп шеър ёдлаган ўқувчи", "Энг ёш китобхон" мавзуларида танлов ва викториналар ўтказилиб ғолиблар туман ҳокимлиги томонидан тақдирланди.

Халқ сайлида баҳорий таом сумалак, ҳалим ва ош тортилди.

**Юнусобод** туманидаги Сайилгоҳ майдони ва Тошкент ҳайвонот боғи олдидаги майдонда ташкил этилган умумхалқ сайли туман аҳли ва пойтахтимиз меҳмонлари қалбларига иликлик бағишлади. Сайилда шаҳримизга ташриф буюрган меҳмонлар, туманнинг нуроний отахон ва онахонлари, маҳалла фаоллари, ўқув муассасалари ўқитувчи, ўқувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари иштирок этиб, янгиланиш ва яшариш байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлаш имконига эга бўлишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида болалар ашула ва рақс дасталарининг иштирокчилари томонидан куй ва қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фатҳулла Маъсудов, Турғун Бекназаровнинг чиқишлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази хонандалари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият улашди. Эртамиз эгалари бўлмиш ёшлар ўртасида варрак учириш мусобақаси ҳам қизғин тарзда ўтказилди.

– Азалдан Наврўз халқимиз томонидан қут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланади. Чунки бу айём шарқона янги йилнинг бошланиши ҳамдир, – дейди "Нурмакон" маҳалласи фаоли Миржалол Тешабоев. – Энг қадимий, миллий ва ардоқли байрам бўлмиш Наврўзни кутиб олиш ва нишонлаш насиб қилаётганига шукроналар айтаман. Ўзлигимизни англаш тимсоли бўлмиш ушбу байрамнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб этиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, она табиатни асраш, миллий қадриятларимизни қадрлашга қаратилган кенг қамровли ишлар ёшларимиз маънавиятини бойитади. Қариялари эъзозланган юртда туғилиб, яшаётганимдан беҳад мамнунман.

**Мирзо Улуғбек** тумани аҳолисининг байрам сайли "Локомотив", Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғларида, Академиклар шаҳарчаси ва "Шастри" ҳудудидаги майдонда бўлиб ўтди. Туман маҳаллалари Наврўз руҳини намоён этувчи ўзбекона миллий супаларни безатишди. Ундан баҳорий таомлар, ширинликлар ўрин олди.

Байрам элимизнинг азалий урф-одатлари, оҳанграбо куй ва қўшиқларига ҳамоҳанг равишда нишонланди.

– Яшариш ва янгиланиш байрами Наврўз халқимизнинг азалий анъанасидир, – дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Мамадали Эронов. – Тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган бу байрам она табиатга ҳам ўзига хос тароват бағишлайди. Янги умид, янги режалар руҳиятимизга ҳам енгилликлар олиб киради ва йиллар оша ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда. Байрам тантанасидаги кўтаринки кайфият, одамлар юзидаги табассум, кўзидаги қувонч акси юртимиздаги тўкинлик, фаровонлик, осуда ҳаётимиздан далолатдир.

Байрам сайлида миллий кўргазмалар ташкил қилинди. Фольклор-этнографик жамоалар томонидан деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қўшиқлари ижро этилди.

Ўзбекистон халқ артистлари Ёдгор Саъдиев, Саидкомил Умаров, Мирза Азизов, Меҳри Бекжонованинг самимий табриклари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Дилфуза Раҳимова, Райҳон Ғаниева, Женисбек Пиязов, Маъсума Болтабоева каби эл севган санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Туман аҳли ва шаҳримиз меҳмонлари учун дошқозонларда ош дамланиб, дастурхон ёзилди, сумалак ва ҳалимлар тарқатилди. Кексалар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини тилаб қўлларини дуога очишди. Келажагимиз эртаси бўлмиш болажонлар аттракционларда учиб, мазза қилиб яйрашди, уларнинг шодон кулгуси жаранги оламни тутди.

**Шайхонтохур** туманида Наврўз сайиллари "Анҳор-Локомотив" боғи ва цирк майдони атрофида давом этди. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари барчани байрамга чорлади.

Супаларда маҳалла кайвонийлари ўтирибди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ўзларининг кўргазмали маҳсулотларини намойиш этишди. Миллий кийимдаги қизларимиз, болажонлар байрам кўркига кўрк қўшган. Осмонда варраклар учмоқда.

– Наврўз байрамига бадиий жамоалар алоҳида тайёргарлик кўришди, – дейди Шайхонтоҳур тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Зоҳид Содиқов. – "Дилрабо" ашула ва рақс дастаси, 10, 132-мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари ўзларининг бадиий чиқишлари билан қатнашмоқда. Сумалак, ҳалим, ош тайёрланиб сайил қатнашчиларига тарқатилди.

Жажжи ширинтойларнинг Наврўзга тайёрлаган шеърлари кўпчиликнинг дилига қувонч бағишлади.

– "Жарариқ" маҳалласидан бугунги байрамга ташриф буюрдик, – дейди маҳалла фаоли Раъно Эгамбердиева. – Рости, ҳаммамиз кўкламни соғиндик. Наврўз байрами янгиланиш, покланиш, шоду хуррамлик тантанасидир. Тинч юртда яшаяпмиз, бундай ўлкага байрамлар ярашади. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамшаҳарларимизни байрам билан табриклайман. Яхши кайфият йил давомида барчамизни тарк этмасин.

"Анҳор-Локомотив" боғидаги байрам ўзига хос кўтаринки кайфиятда бошланди. Кейинги пайтда бу боғда янги аттракционлар очилди. Ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Боғ миллий қадриятларимизга мос қилиб безатилган. Наврўзи олам билан кутловчи баннерлар осилган. Миллий либосдаги санъаткорларимизнинг чиқишлари байрам иштирокчиларига хуш кайфият бахш этди.

– Наврўз байрами халқимиз томонидан асрлар давомида нишонланиб келинган, – дейди байрам иштирокчиларидан бири Нодира Шарипова. – Бугунги сайилда фарзандларимиз билан иштирок этаяпмиз. Ҳаммамиз бениҳоя хурсандмиз, айниқса болажонларимизнинг шодлигини айтмайсизми?

**Олмазор** туманидаги "Нурафшон" ва Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғларида Наврўз сайли ҳар йилгидан бошқача руҳда тантана қилинди. Чунончи, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида янги аттракционлар барпо этилди, махсус саҳналар, овқатланиш шохобчалари, миллийликни ўзида ифодаловчи эртаклар шаҳарчаси қад ростлади.

Сайилда миллий ҳунармандчилик намуналари, ганчкорлар, каштадўз чеварлар, миллий либосларимиз, халқ чолғу асбобларини намойиш этдилар. Эл севган хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, раққосаларнинг мафтункор рақслари боққа ташриф буюрган ҳамшаҳарларимиз дилларини хушнуд қилди.

– Наврўз сайлига Юнусобод туманидан ташриф буюрдик, – дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети инглиз тили кафедраси ўқитувчиси Наргиза Сатторова. – Икки фарзандим эрталабдан бери яйрашаяпти. Байрам концертини томоша қилдик. Бундай байрамлар юртимизда бардавом бўлсин.

**Бектемир** туманидаги "Қуёшча нури" боғи байрамона безатилган. Эрта тонгдан карнай-сурнай садолари барчани байрамга чорлади. Миллий либосдаги қизчалар ташриф буюрувчиларни гуллар билан кутиб олди. Халқимизнинг ардоқли санъаткорлари сайилга файз-тароват бағишлашди. Одамларнинг юз-кўзларида қувонч, шодлик учқунлари порлайди.

– Бу йилги Наврўз сайли алоҳида шоду хуррамликда нишонланмоқда, – дейди тумандаги "Зилола" маҳалласидан Хурсандой Ражабова. – Миллий таомларимиз ҳалим, сумалак, кўк чучваралар тайёрланди. Кўнгилни кўтарувчи қўшиқлардан баҳраманд бўлдик. Айниқса, болажонларимиз байрамдан алоҳида завқ олмоқдалар. Шундай кезларда кўнглимиздан эзгу туйғулар ўтади. Юртимиз янада ривожлансин, маҳаллаларимиз обод бўлсин. Деҳқончиликка барака берсин. Ризқу рўзимиз мўл бўлсин. Наврўз кунлари қилинган яхши ниятлар ижобат бўлади, дейишади. Дошқозонларда тайёрланган сумалак атрофида ҳам юртимизга тинчлик, фаровонлик сўраяпмиз.

Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам кўплаб боғ ва хиёбонларда мана шундай файз-тароват билан ўтди. Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Байрам концертлари ташкиллаштирилди. Халқ ўйинлари, дорбозлар, фольклор-этнографик дасталарнинг чиқишлари сайил иштирокчиларида олам-олам таассурот қолдирди. Биз ҳам, буюк мутаффаккир Алишер Навоий айтганидек, "Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг Наврўз ўлсун!" деймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, шаҳримизнинг ҳар бир гўшасидаги халқ сайиллари кўтаринки руҳда ўтди. Юртимиз бўйлаб жойларда ўтказилаётган шодиёна тадбирлари халқимиз қалбига чексиз қувонч бағишлади.

**"Тошкент оқшоми" махсус мухбирлари**
**Гулчеҳра ДУРДИЕВА,**
**Зиёда РАСУЛОВА,**
**Шариф ЗОКИРЖОНОВ.**
**Ислом Исмоилов,**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**









## ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

***"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда Uzmobile миллий оператори абонентларига интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz), Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат портали (gov.uz), шунингдек, давлат органларининг сайтларидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди.***

Пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган брифингда мазкур қулайлик тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари У.Аъламов, "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази директори Ш.Ҳабибуллаев, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори Ш.Қодиров ва бошқалар Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида электрон ҳукумат тизимини самарали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Жорий йил аҳоли турмуш тарзи қулай бўлишига хизмат қиладиган элликдан зиёд давлат хизматлари интерактив шаклга ўтказилиши белгиланган. Тадбиркорлар учун экспорт-импортга рухсат берувчи жараёнлар электронлаштирилади. Интернетга уланиш сифати ва тезлигини янада яхшилаш, давлат идоралари хизматчилари ва аҳолининг компьютер саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, жамоатчилик томонидан кўтарилаётган масала ва мурожаатларни иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва ҳуқуқий таҳлиллар асосида ҳал этилишини таъминлаб, "электрон ҳукумат" тизимини янги босқичга кўтарди. Ўтган давр мобайнида 600 мингга яқин мурожаат келиб тушгани порталга бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат бермоқда.

308 турдаги интерактив хизмат жорий қилинган Ягона интерактив давлат хизматлари портали давлат идораларига мурожаат қилишнинг оммабоп ресурсига айланди. 2 минг 400 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, уларнинг тизимидаги муассасаларга мурожаат қилиш имконини бераётган мазкур электрон ресурс орқали давлат идораларига мурожаат қилганлар бир миллиондан ошди.

Бепул интернет коммунал хизматлар (e-kommunal.uz), очиқ маълумотлар (data.gov.uz), меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш (regulation.gov.uz) порталларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, давлат идоралари интерактив хизматларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

**Б.БОЗОРОВ**

## ҲАР БИР ОИЛА ТАДБИРКОР БЎЛСИН

***Пойтахтимизда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки "Аҳолини тадбиркор қилиш" дастури доирасида матбуот анжумани ўтказди.***

Банк бошқаруви раиси ўринбосари А.Низомов ва бошқалар дастурдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк кредит хизматларидан самарали фойдаланишларини янада кенгайтириш ва янги иш жойлари ташкил этишдан иборат эканлигини таъкидлади.

Мазкур банк 428 аҳоли пунктида истиқомат қилаётган 706 минг 700 хонадон эгасини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бунинг учун қарийб 900 ходим бириктирилган бўлиб, ҳозир 580 мингта хонадон эгаси билан суҳбат ўтказилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган ва кредит маблағига эҳтиёжи бўлган 17 мингдан зиёд фуқарога 110,1 миллиард сўм ажратилди. Натижада 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

– Берилаётган сармояларнинг асосий қисми чорвачилик, иссиқхона ташкил этишга йўналтирилмоқда, – дейди "Микрокредитбанк"нинг жисмоний шахсларни кредитлаш департаменти директори А.Суюмов. – Ҳозир вилоятларда фаолият юритаётган 23 қуёнчилик агрофирмаси ва 60 дан зиёд паррандачилик хўжалиги билан шартномалар имзоланган.

Тадбирда имтиёзли микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача, асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, уч йилгача муддатга берилаётгани таъкидланди. Тадбиркор битта иш ўрни яратса кредит 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш ўрнига 7 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда 6 фоиз миқдорида берилмоқда.

"Микрокредитбанк" тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг янги лойиҳасини ишлаб чиққани ҳам маълум қилинди. Бу лойиҳа ҳозир Чилонзор туманида қўлланмоқда. Унга кўра туманда ўз бизнесини бошлаётган ёш тадбиркорларга банкнинг ишончли ҳамкори бўлган, тажрибали тадбиркорлар кафиллиги ва кўмаги эътиборга олинмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

**(ЎзА)**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари ходимлари муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга хизмат қилади.***

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати” мавзуида ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз юритилди.

Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи Б.Матлюбов ва бошқалар ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти давлат ва жамият олдида ўта муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Мазкур соҳа ходимлари фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, тинчлик, осойишталикни сақлаш билан бевосита боғлиқ.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун 8 боб, 49 моддадан иборат бўлиб, ички ишлар органларининг вазифалари, фаолиятининг йўналишлари ва принципларини қамраб олган. Унда ички ишлар органлари тизими, мазкур органларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартлари, ички ишлар органлари ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар тартибга солинган.

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари сифатида биринчи бўлиб фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мустаҳкамланганини қонуннинг энг муҳим жиҳатларидандир.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири сифатида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш белгиланган.

Қонунда ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга катта эътибор қаратилиб, алоҳида қонунийлик принципи киритилган. Унга кўра, ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирликлари масъул ходимлари, олимлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда қонуннинг кучга кириши жамиятда қонун устуворлиги, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида янги босқични бошлаб беришига эътибор қаратилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мубири**



**2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**

# БАНКЛАР АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА УНДАМОҚДА

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан матбуот анжумани ўтказилди.***

– Банкимизга 915 аҳоли пунктида яшовчи бир миллионга яқин хонадон бириктирилган, – дейди Миллий банкнинг лойиҳаларни молиялаш маркази директори ўринбосари Б.Жалилов. – 1 апрелга қадар барча хонадонларни ўрганиш ишлари якунланди. Бундан ташқари, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида ҳудудларда енгил саноат ва фармацевтика соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт лойиҳаларини молиялаштириш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини барпо қилиш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Январь ойининг охирида мазкур банк филиалидан 14 миллион сўм сармоя олдик, – дейди ЎзА мухбирига пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Юқори Себзор маҳалласида яшовчи Дилфуза Қудратова. – Мазкур маблағ эвазига уй шароитида ширинликлар тайёрлашни йўлга қўйдик. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор учун Президентимиздан миннатдормиз.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Жамғарма хўжалик субъектлари экспортига кўмаклашиш учун тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шерикларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, экспорт шартномалари тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатларни олиш ҳамда божхона расмийлаштируви бўйича ёрдамлашмоқда.

Матбуот анжуманида ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар, хусусан, енгил саноат соҳаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва логистика марказларини ташкил этиш ва бошқа йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар жавоб қайтарди.

**С.ШОЕВА**

*Яшнобод тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ЯШНОБОД ТУМАН ҲОКИМИНИНГ 2017 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАГИ 64-СОНЛИ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида”ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда, 2016 й., 17-сон, 176-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда, 2015 й., 30-сон, 402-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида ҳамда “DAVTEXNAZORAT” инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 416-сонли мурожаатига асосан, Яшнобод туманида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида 2017 йил 25 январда 64-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2017 йил 20 февралда № 03-146/8-сонли тақдимнома киритилиб, ушбу қарор лойиҳаси 2017 йил 27 январда Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан хуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 2017 йил 25 январда, яъни ҳуқуқий экспертиза хулосаси олинмасдан туриб рўйхатдан ўтказилганлиги сабабли мазкур қарорни бекор қилиб, янгидан қарор қабул қилиш сўралган.

Юқоридагиларга асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳокимининг 2017 йил 25 январдаги “Яшнобод туманида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 64-сонли қарори бекор қилинсин.

2. Яшнобод туманида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида қуйидагича янги қарор қабул қилинсин.

3. Яшнобод туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

5. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

6. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

7. "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (С.Тулаганов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Яшнобод туман тармоқ администратори (А.Касимов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yashnobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор матбуотда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Тиллашайхов зиммасига юклансин.

**Яшнобод тумани ҳокими**
**Ф.Хакимов**

*2017 йил 2 март*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард доллар миқдоридаги қарийб 650 инвестициявий лойиҳани назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилган. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғидаги улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Молия-банк тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли параметрларда 2017-2021 йилларда банклар капиталини 2 баравар, депозитлар ҳажмини 2,1 баравар ошириш режалаштирилган. Банклар капиталининг ортиши ва ресурс базасини мустаҳкамлаш инвестиция кредитлари ҳажмини 1,7 баравар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришни 2,2 баравар оширишни таъминлайди.

Тизимда содир бўлаётган бундай ўзгаришлар муайян шаклда бутун иқтисодиётда акс этмоқда. Бинобарин, яратилган изчил инфратузилма, хизмат кўрсатишнинг турли методлари қўлланилиши бозор механизмларининг самарали ишлашини таъминлайди. Янги турдаги суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматлар ҳисобига уларнинг ҳажмини кенгайтириш, сифатини ошириш, корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш ҳам доимий эътиборда.

Мамлакатимиз тижорат банклари олдига халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш вазифалари қўйилмоқда. Шу боис Марказий банк тижорат банклари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг талабларига асосан тижорат банкларимиз капиталининг етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичлари бўйича талаблар ўрнатилган меъёрлардан юқори даражада ҳисобланади.

Албатта, бошқарув ва банк таваккалчилиги тизимида илғор хорижий амалиётлар асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш зарурати пайдо бўлмоқда. Бунинг учун мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг замонавий талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатларни бекор қилиш учун банк фаолиятини тартибга солишга оид Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини инвентаризация қилиш, тижорат банклари фаолиятига давлат ҳокимияти органлари томонидан маъмурий аралашувларга йўл қўймаслик керак. Шунингдек, асосий эътиборни банк кредит портфели миқдорини доимий ошириш, унинг сифатини яхшилаш, инвестицион лойиҳаларни молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш кўламини янада кенгайтиришга қаратиш самара бериши шубҳасиз.

Хўш, бу вазифаларни амалга оширишда банк тизимида қандай муаммолар мавжуд? Аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклардан кредит олишларида, айниқса, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда кредит таъминотининг етишмаслиги ҳолати учраб турибди. Бу муаммони ҳал этиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, харидоргир бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тижорат банкларидан бериладиган кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш орқали кичик тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришда янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Марказий банк ташаббуси билан Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур жамғарма кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаб беради. Жамғарма ресурс базасини кенгайтиришга халқаро молия институтлари, хорижий фондлар ва банкларнинг маблағларини жалб этиш кўзда тутилмоқда. Жамғарма кредитлар олиш шартлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига маслаҳат ёрдамлари кўрсатиб, юқори технологияли ва инновациявий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва кенгайтиришда кичик тадбиркорлик субъектларига кўмаклашади.

Кредит шартномаси (лизинг шартномаси) бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш мақсадида Кафолат жамғармаси кредит берувчи банк ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган кафиллик шартномаси асосида ишонч хати тақдим этади. Тижорат банкларининг кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган кредитлари бўйича Кафолат жамғармасининг таъминоти кредитнинг гаров билан қопланмаган қисми умумий миқдорининг 50 фоизидан ва эквиваленти 100 минг долларга тенг суммадан ошмаслиги керак. Кафолат жамғармаси тақдим этадиган таъминотнинг максимал умумий миқдори Кафолат жамғармаси маблағларининг 5 баробаридан ортиқ бўлмайди.

Мамлакатимизда суғурта, лизинг хизматлари ривожланмоқда. Бироқ туманларда мазкур хизматлар ва баҳоловчи корхоналар бўлимларининг мавжуд эмаслиги аҳолининг улар хизматларига бўлган эҳтиёжини етарли даражада қоплай олмаяпти. Натижада қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни амалга оширмоқчи бўлган банк мижозлари маблағ ва вақтларини сарфлаб, вилоят марказларига боришига тўғри келмоқда.

Қиёслаш учун тасаввур қилинг: мамлакатимизда ажратилган кредитларнинг қолдиғидаги таъминот сифатидаги суғурта полисининг улуши 2,1 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 15-17 фоиздир. Демак, туман ва шаҳарларда суғурта, лизинг ва баҳоловчи компанияларнинг бўлимларини, агентларини ташкил қилиш орқали мазкур тармоқни янада ривожлантириш ва улар кўрсатадиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш зарур.

Президентимиз халқимизни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича банкларга тегишли вазифалар юклади. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йилнинг декабридан бошлаб жойларда қизғин ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳудудлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва банк филиаллари дислокацияси, хонадонлар ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сони асосида ҳар бир банк филиалига тегишли маҳаллалар бириктирилган. Бириктирилган мутахассислар банк хизматларини таклиф этиш билан бирга, аҳолининг таклиф ва эътирозларини ҳам ўрганмоқда.

Бу жиҳатдан Президентимизнинг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур ҳужжат меҳнат бозорига янги кириб келаётган ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар ҳамда аҳолининг ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа қатламларининг микромолиялаш хизматларидан фойдаланишини кенгайтириш, шунингдек, янги иш жойлари ташкил этилишини таъминлайдиган оилавий, хусусий тадбиркорликни ва бошқа фаолият турларини ривожлантиришни рағбатлантиради.

Имтиёзли микрокредитлашнинг кенгайтирилиши кичик тадбиркорлик, аввало, оилавий ва хусусий тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринлари ташкил этиш, уларнинг микромолиявий хизматлардан фойдаланишини осонлаштириш, аҳолининг кам таъминланган ва ҳожатманд қатламлари даромадларини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Зеро, имтиёзли микрокредитлар энг кам иш ҳақи миқдорининг 200 баробаригача, асосий қарзни тўлашга олти ой муддатли имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, уч йилгача муддатга берилади. Агар тадбиркор битта иш ўрни яратса, кредит 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, учтадан тўрттагача иш ўрнига 7 фоиз, бешта ва ундан ортиқ иш жойлари яратилганда 6 фоиз миқдорида берилади.

Қарорда ўрнатилган тартибга мувофиқ мурожаат этувчи томонидан микрокредитни қайтаришни таъминлай олмаслик ҳолати вужудга келса, тижорат банклари микрокредит таъминоти сифатида энг кам иш ҳақининг юз баробаригача миқдорда микрокредитлашда харид қилинадиган мулкни ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллигини инобатга олади. Агар энг кам иш ҳақининг юз баробаридан ортиқ миқдорда микрокредит берилганда учинчи шахснинг кафиллигини, суғурта ташкилотларининг суғурта полисларини ва қонун ҳужжатлари доирасида бошқа таъминлаш турларини қабул қилиб олишлари йўлга қўйилади.

Марказий банк ушбу микрокредитлаш тизимини жорий йилда Тошкент шаҳрида амалга оширишни мўлжалламоқда. Йил якунида тажриба натижалари таҳлил қилиниб, бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этилади. Амалга оширилиши кўзда тутилган бу каби кенг миқёсли чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ва юртимизда “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” принципини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

**Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш департаменти директори ўринбосари**
**ЎзА**

Реклама ўрнида












*Ўлкамизга майин шаббодаси, қуёшли кунлари,
ўзгача файзу таровати ила кириб келган
Наврўзи олам шодиёналари билан
юртдошларимизни самимий қутлаймиз.
Барчамизни бирдамликка, меҳр-оқибатли
бўлишга, бағрикенгликка чорловчи
баҳор айёми юртдошларимиз қалбида ҳамиша
эзгу туйғуларни мавжлантираверсин.
Йилимиз қутлуғ ва баракали келиб,
дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлсин.*

**“ZAMIN ENERGO SOZLASH” МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**“ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТЗАХИРА”
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

*азиз ҳамшаҳарларимизни Наврўз
умумхалқ байрами билан самимий
қутлайди.
Сизларга тинчлик-омонлик
ва бахт-саодат тилаймиз. Кўклам
элчиси бўлган Наврўз юртимизга
қут-барака, дастурхонларимизга
тўкин-сочинлик, халқимизга эса олам-
олам қувонч ва шодликлар олиб келсин.*

**“FORIJ TEXTILE GROUP” КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

*барча юртдошларимизни гўзаллик,
яшариш ва янгиланиш
айёми — Наврўзи олам билан
қизғин қутлайди!
Жаннатмакон юртимиз осмонида
тинчлик кабутарлари
учиб, заминимиз узра истиқлол
куйлари доимо янграсин.
Хонадонларимиздан файзу барака,
тўкин-сочинлик ва фаровонлик
ҳамиша аримасин!*



**Бандлик дастури – амалда**

# ЁШЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ

***Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.***

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан аҳолининг барча қатлами манфаатларини аниқ ва манзилли, амалий тарзда ҳимоялаш, айниқса, ёшларни кучли ижтимоий муҳофазалаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш юзасидан кенг қамровли саъй-ҳаракатлар, турли ижтимоий тадбирлар, лойиҳалар ҳаётга кенг жорий этилмоқда.

Бу борадаги интилишларда олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини тамомлаган ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларнинг ўз тадбиркорлик ишини бошлаши учун имтиёзли кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали янги иш ўринларини барпо этиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур ярмаркадан кўзланган мақсад ҳам бандликка кўмаклашиш марказлари, иш берувчилар ва меҳнатга лаёқатли фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ишга кириш истагидаги фуқароларни меҳнат бозоридаги сўнгги маълумотлардан бохабар этиш, ёшларнинг бандлигини таъминлашдан иборатдир.

"Зиёда арт текстиль" тикув корхонаси "Irodat" савдо бренди билан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Мазкур корхона турли касбларга оид меҳнат кийим-кечаклари, махсус формалар, спорт ҳамда ўқувчи либослари тикишга ихтисослашган. Корхона вакили Феруза Сойибхўжаеванинг айтишича, ишлаб чиқариш жараёнига коллежни тамомлаган ёшлар кенг жалб этилмоқда. Бугунги кунда мазкур корхонада тикувчилик, модельер-конструктор, технолог, дизайнер каби ихтисосликлар бўйича бўш иш ўринлари мавжуд. Ярмаркага келган ёшларга меҳнат муносабатлари ва шароитлари, иш ҳақи тартиби, ходимлар учун қўйиладиган талаблар ҳақида маълумот берилди.

– Меҳнат ярмаркасида туманимиздаги 274 корхонадаги қарийб 1600 бўш иш ўрнига оид маълумотлар билан иштирок этмоқдамиз, – дейди Шайхонтоҳур тумани бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Дилноза Солиева. – Туманимиздаги барча касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ёшларимиз томонидан ҳамширалик иши, компьютер операторлиги, алоқа, иқтисод каби соҳаларда ишлашга бўлган қизиқиш катта. Марказимизда иш сўраб келган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорликни бошлаш истагидаги коллеж битирувчиларининг салоҳияти ўрганилиб, шу ернинг ўзида улар "Ягона дарча" тармоғи орқали рўйхатдан ўтказилиб, солиқ бўйича идентификация ҳужжатлари топширилмоқда.

– Меҳнат ярмаркасида иштирокчиларга вакант жойлар ҳақида маълумотлар тақдим этилиши билан бирга ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга тадбиркорликка оид имтиёзли кредитларни расмийлаштиришга доир йўл-йўриқлар, давлатимиз томонидан яратилаётган қулайлик ва имкониятлар ҳам тушунтирилмоқда, – дейди Халқ банкининг Тошкент шаҳар филиали кредит бўлими бош мутахассиси Шоҳруҳ Эгамбердиев. – Ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишда банк-молия тузилмалари ҳамда маҳаллалар, касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган.

– Бир неча йилдан буён ҳовлимда паррандачилик билан шуғулланаман, – дейди Илҳом Мусаев. – Товуқчилик кони фойда, даромадли соҳа экан. Эндиликда бу борадаги фаолиятимни янада кенгайтириш учун банкдан кредит олиш истагидаман. Уни расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар учун қисқа вақт кетиши ишимизга анча кўмак бўлди.

Меҳнат ярмаркасига келган Клара Умарованинг айтишича, у педагогика йўналишидаги коллежни тамомлагач, сўнгги йилларда фарзанд тарбияси билан машғул бўлган.

– Ярмаркада тақдим этилган маълумотлар билан батафсил танишиб, оилавий шароитимга мос бўлган иш топдим, – дейди ЎзА мухбирига у. – Бу каби меҳнат ярмаркаларининг ташкил этилиши иш берувчи учун ҳам, ишлаш истагида бўлган фуқаролар учун ҳам жуда яхши имконият.

Ярмаркада меҳнат шароитлари, бўш иш ўринлари, тадбиркорлик йўналиши бўйича банклардан имтиёзли кредитлар олиш, меҳнат қонунчилиги бўйича маълумотлар берилди.

# МУРОЖААТЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

***Латифжон Баротов Тошкент давлат юридик университетининг 2-курсида таҳсил олади. У интернет алоқасида узилишлар бўлаётгани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг виртуал қабулхонасига мурожаат этгач, мавжуд муаммо уч кунда ижобий ҳал этилди.***

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимида аҳоли, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича медиа-тур ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, халққа кўмакдош бўлиш, эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга мадад кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари юртимизнинг ҳар бир фуқароси томонидан қўллаб-қувватланиши билан бирга вазирлик ва идоралар, ташкилотлар фаолиятини давр талабига монанд йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, ариза, шикоят ва таклифлари билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятининг доимий ва муҳим йўналишларидан биридир. Бу ерда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси хизматларидан фойдаланувчилар учун қулай усулда тўғридан-тўғри вазирликка мурожаат этиш имконияти яратилган.

Фуқароларни қабул қилиш жадвали асосида бу ерга ташриф буюрган жисмоний ва юридик шахслар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарияти томонидан қабул қилинмоқда. Мурожаатлар телефон орқали оғзаки тарзда ҳам ёзиб олинади.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тизимидаги корхоналарга 2017 йил бошидан буён электрон шаклда келган мурожаатлар 433 тани ташкил этади.

Телекоммуникация ва почта хизматлари билан боғлиқ долзарб масалаларга қисқа вақт ичида ечим топиш мақсадида интернет тармоғининг murojaat.mitc.uz манзилида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбариятининг виртуал қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил бошидан мазкур тизим орқали 350 мурожаат қабул қилинган. Фуқаролар 0 800 200-41-07 махсус рақамидан фойдаланиб, бепул телефон орқали виртуал қабулхонага мурожаат йўллашлари мумкин.

Алоҳида таъкидлаш керакки, телефон алоқасида носозликларга дуч келаётган абонентларнинг шикоят билан тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ваҳоланки, мазкур йўналишдаги долзарб масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясида uztelecom.uz онлайн қабулхонаси ҳамда абонент мурожаатларини қабул қилувчи (+998 71) 244-34-43 телефон рақами, шунингдек, 1084, 1086 қисқа рақамлари ташкил қилинган.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида ахборот-коммуникация соҳаси муассасаларида ҳам виртуал қабулхоналар ташкил этилган. Жумладан, аҳоли почта алоқаси хизматлари юзасидан "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг www.pochta.uz сайтидаги виртуал қабулхонаси ёки (+998 71) 233-62-34 "Ишонч рақами" орқали мурожаат қилиш имкониятига эга.

Вазирлик тизимида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг www.gis.uz манзилида ҳам онлайн қабулхона мавжуд. (+998 71) 237-01-11 "Ишонч телефони" мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан қўнғироқларни қабул қилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тезкор хизматларни амалга оширади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги муассасаларда фуқароларнинг долзарб масалаларини ўз вақтида ҳал этиш мақсадида вазирликда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими ташкил қилинган.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарилди. Медиа-тур доирасида иштирокчилар "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали "Call-Centre" хизмати – Қўнғироқларни қабул қилиш ва уларга қайта ишлов бериш маркази фаолияти билан ҳам танишди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**


## *ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!*

### Ичимлик сув босимининг пасайиши ҳақида

**Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларининг олиб борилиши, шунингдек, 2017 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан "Сувсоз" трести ДУК истеъмолчиларга ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:**

**28 март соат 09.00 дан 29 март соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Олмазор тумани бўйича: Мирзо Ғолиб, Беруний, Хислат номли маҳаллаларда.
2. Босим пасаяди – Олмазор тумани бўйича: "Чиғатой оқтепа", "Олимпия" маҳаллаларида.

**29 март соат 09.00 дан 30 март соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Учтепа тумани бўйича: "Катта Қаъни", "Фозилтепа" маҳаллаларида, Изза даҳасида, Изза 14-тор кўчасидан 19-тор кўчасигача.

**30 март соат 09.00 дан 31 март соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Юнусобод тумани бўйича: Бодомзор, Фирдавсий, Янгитарнов, Шивли, Боғишамол кўчаларида, Польша элчихонасида.
— Яккасарой тумани бўйича: Ракат даҳасида, "Тўқимачи" маҳалласида, Жамбул кўчаси ва тор кўчалари билан бирга, Боғибўстон кўчаси Жамбул кўчасидан Ат-Термизий кўчасигача, Хазиний кўчасида, Эхтиром 3-тор кўчасида, Шоҳжаҳон кўчаси Ат-Термизий кўчасидан Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтигача, Муқимий кўчасидаги 1, 3, 5, 7-кўп қаватли уйларда.
1. Босим пасаяди – Юнусобод тумани бўйича: Марказ-4 даҳасида.
— Яккасарой тумани бўйича: Шота Руставели кўчасида, Чўпонота кўчасидан Бобур кўчасигача.

**4 апрель соат 09.00 дан 5 апрель соат 21.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Чилонзор тумани бўйича: 1, 2-мавзеларда, "Қозиробод", Й.Аъзамов номли маҳаллаларда, Нурхон кўчасидаги 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 10а, 11, 12-кўп қаватли уйларда, Нухон тор кўчаларида.
— Яккасарой тумани бўйича: Шота Руставели кўчасидаги 120, 122, 87-кўп қаватли уйларда, Бадриддин Хилолий 3-тор кўчасида.
2. Босим пасаяди – Яккасарой тумани бўйича: Боғибўстон кўчасида, Чўпонота кўчасидан Муқимий кўчасигача, Хазинабоғ, Саъди Сирожиддинов кўчасида, Чўпонота кўчасида, Шота Руставели кўчасидан Бўрижар ариғигача, Шота Руставели кўчасида, Чўпонота кўчасидан Бобур кўчасигача, "Мерос", Муқимий, "Тўқимачи" маҳаллаларида.

**6 апрель соат 09.00 дан 7 апрель соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Қорасув -1, 2, 3, 4-даҳаларида, Фазо, Садаф, Гулсара, Латофат кўчаларида.

**10 апрель соат 09.00 дан 11 апрель соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Сергели тумани бўйича: "Қумариқ", "Чоштепа", "Нўғайқўрғон", Алишер Навоий номли маҳаллаларда.

**11 апрель соат 09.00 дан 12 апрель соат 21.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Мирзакалон Исмоилий, Тамарахоним даҳаларида, Қори Ниёзий, Махатма Ганди, Дархон, Мустақиллик кўчаларида, Асака кўчасида тор кўчалари билан бирга.
— Яшнобод тумани бўйича: "Истиқлол", "Семурғ", "Бешқўрғон" маҳаллаларида.
2. Босим пасаяди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Содиқ Азимов кўчасида тор кўчалари билан бирга.
— Миробод тумани бўйича: Яккачинор кўчасида.
— Яшнобод тумани бўйича: "Машинасозлар", "Тўйтепа" маҳаллаларида, Япония, Белоруссия, Украина, Индонезия, Хитой, Туркия элчихоналарида.

**15 апрель соат 09.00 дан 16 апрель соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Яшнобод тумани бўйича: "Тўйтепа" маҳалласида, Содиқ Азимов кўчаси ва тор кўчалари билан бирга, Тўйтепа, Яхё Ғуломов, Боку, Санжар, Миғроб, Мавр, Ўш, Фарғона йўли кўчаларида.
2. Босим пасаяди – Миробод тумани бўйича: Яккачинор кўчасида.

**18 апрель соат 09.00 дан 19 апрель соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Сергели тумани бўйича: "Қипчоқ" маҳалласида, Дарёбўйи 4-тор кўчасида, Нилуфар кўчасида тор кўчалари билан бирга.
2. Босим пасаяди – Сергели тумани бўйича: "Дарёбўйи" маҳалласида, Дарёбўйи 3, 7-тор кўчаларида, Сергели- 3, 4-даҳаларида.

**19 апрель соат 09.00 дан 20 апрель соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди — Учтепа тумани бўйича: "Шафтолизор" маҳалласида, Истироҳат, Шоир кўчаси ва тор кўчалари билан бирга.
2. Босим пасаяди – Учтепа тумани бўйича: "Истироҳат" маҳалласида.

**25 апрель соат 09.00 дан 26 апрель соат 21.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Учтепа тумани бўйича: "Катта Қаъни", "Фозилтепа" маҳаллаларида, Қурилиш кўчасида, Қурилиш 2-тор кўчасида, Изза 14, 16-тор кўчаларида.
— Шайхонтоҳур тумани бўйича: "Чорсу", "Гулобод", "Боғкўча", "Сархумдон", "Қоратош", "Чақар", "Янги Камолон", Ҳувайдо, "Гулбозор", "Сузукота", "Исломобод", "Оқлон", "Шофайз", "Янгишаҳар", "Обиназир", "Кохота" маҳаллаларида, Яланкор, Самарқанд Дарвоза, Фурқат, Хўжа Аҳрор кўчаларида, Навоий кўчасидаги 42, 44-кўп қаватли уйларда, 3-туман иссиқлик қозонхонасида.
— Олмазор тумани бўйича: Чустий, Алишер Навоий, Беруний майдони, "Хончорбоғ", "Алоқа", Фаробий, "Чимбой-2", "Қорасарой", "Гузарбоши", "Қўштут", "Аллон", "Эски шаҳар", "Хасти Имом", "Қумлоқ", Ҳофиз Кўҳакий, Исмоил Шоший, "Истиқлол" маҳаллаларида.
2. Босим пасаяди – Шайхонтоҳур тумани бўйича: "Чорсу", "Кохота" маҳаллаларида, Марказ-15, Бешёғоч даҳаларида.

**27 апрель соат 09.00 дан 28 апрель соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Яшнобод тумани бўйича: 1, 2-Асалобод мавзеларида. – Сергели тумани бўйича: Сергели 8-даҳасида.
2. Босим пасаяди – Сергели тумани бўйича: Сергели- 5, 6, 7, 8а даҳаларида, Сергели -2, 3, 4- даҳаларидаги 9 қаватли уйларда.

**2 май соат 09.00 дан 3 май соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Учтепа тумани бўйича:"Пахтакор", Журжоний, "Кўкча оқтепа" маҳаллаларида, 5-туман иссиқлик қозонхонасида.
— Шайхонтоҳур тумани бўйича: "Ипакчи" маҳалласида, Бешқайрағоч, Зафаробод, Ипакчи кўчасида ва тор кўчаларида.
— Олмазор тумани бўйича: Беруний майдони, "Университет" маҳаллаларида, Кичик ҳалқа йўлида, 2-Чимбой кўчасидан Беруний кўчасигача.
2. Босим пасаяди – Шайхонтоҳур тумани бўйича: "Зафаробод", "Шофайз" маҳаллаларида, Зафаробод 4-тор кўчасида, Истироҳат, Оқибат, Кўкча Дарвоза кўчаларида.

**4 май соат 09.00 дан 5 май соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Олмачи ва Салар кўчаларида тор кўчалари билан, Қутб, Сайрам кўчалари, Буюк ипак йўли кўчаси 1, 1а, 2, 18, 65, 67, 73-кўп қаватли уйларда, БЎЗ-1 даҳасида.
2. Босим пасаяди — Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Содиқ Азимов кўчасида тор кўчалари билан бирга.
— Миробод тумани бўйича: Яккачинор кўчасида.

**11 май соат 09.00 дан 12 май соат 09.00 гача**
1. Сув бўлмайди – Шайхонтоҳур тумани бўйича: Навоий кўчаси 42, 44- кўп қаватли уйларда, Зарқайнар кўчасидаги 1-кўп қаватли уйда, Яланқар, Хўжа Аҳрор кўчаларида, Қоратош, Чорсу даҳаларида.
2. Босим пасаяди — Шайхонтоҳур тумани бўйича: Олмазор даҳасида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.




Реклама ўрнида




**Спорт янгиликлари**

## ЎЗБЕК БОКСЧИСИ ГЕРМАНИЯДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

***Германиянинг Эссен шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Акмал Саъдуллаев рингга чиқди.***

Ҳамюртимиз бу жангда мезбонлар шарафини ҳимоя қилаётган маҳоратли Доған Курназга қарши рингга чиқди. Рақиб профессионал рингда тўққизта жанг ўтказган эди.

Акмал профессионал боксдаги фаолиятини 2011 йили Германияда бошлаган. Кетма-кет бешта жангда рақибларини нокаут қилган ўзбек боксчиси 2012 йилнинг 15 июнида германиялик Харун Акчабеленга очколар ҳисобида ютқазиб қўйди. Шундан кейин ҳамюртимиз бошқа жанг ўтказмади. Мана беш йиллик танаффусдан сўнг яна рингга қайтган Акмал Саъдуллаев еттинчи жангини ўтказди.

Тўрт раундлик рейтинг жанги Акмалнинг устунлигида ўтди. Тажрибали боксчимиз учинчи раунднинг еттинчи сониясида рақибини техник нокаутга учратиб, олтин ғалабасини нишонлади.





## БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР КУЧ СИНАШДИ

***Ёш ўғил-қизларнинг севимли мусобақасига айланган "Камолот" шахмат тахтаси" анъанавий турнирининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 110 нафар иқтидорли ўқувчи ғолиблик учун дона сурди.

Мусобақада Мафтуна Одилбекова, Дурдона Акбарова, Мунира Зоҳидова, Сарвиноз Қиличова, Мухлиса Санақулова, Даврон Анваров, Муслимбек Абдураҳимов, Нодир Тошниёзов, Миразиз Эргашев, Муҳаммадзоҳир Суяров ўз ёш тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

## ОЛТИН МЕДАЛГА САЗОВОР БЎЛДИ

***Финляндиянинг Турку шаҳрида қиличбозлик бўйича жаҳон кубоги босқичининг "В" тоифасидаги мусобақаси бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон шарафини Олег Соколов ҳимоя қилди. Италия, Финляндия, АҚШ, Россия, Германия, Швеция, Австрия, Панама, Гонконг, Хитой Тайпейи, Венесуэла ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган 90 нафар спортчи орасида терма жамоамиз аъзоси шамшир (шпага) бўйича беллашувларда барча рақибларини ортда қолдириб шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди ва мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Эътиборлиси, мазкур мусобақа Олег Соколов учун 2017 йилдаги илк старт эди ва у ажойиб ғалаба билан бошланди. Умид қиламизки, мавсумнинг қолган муҳим беллашувларини ҳам спортчимиз ана шундай юқори кайфиятда ўтказиб, юртимиз шарафини халқаро майдонда муносиб ҳимоя қилишда давом этади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

**Пайшанба – профилактика куни**

## ПРОФИЛАКТИКА КУНИ БАРЧАНИ ОГОҲЛИККА ЧОРЛАМОҚДА

***Интернет тармоғида пайдо бўлган "Кўк кит" ўйини аслида оддий ўйинмас, балки ҳали оқ ва қоранинг фарқини яхши билмайдиган ўсмирларни ажал комига етаклаётган жарликдир. Айрим мамлакатларда бу хавфли ўйин қурбонига айланганлар бор.***

Хўш, биз бу хавфдан қанчалик огоҳмиз? Сизу бизнинг фарзандимиз шу ўйин домига тушмаслигига кафолат борми? Бунинг учун ўғил ва қизларимиз нима билан машғул эканига кўпроқ қизиқишимиз, фарзандимизда турли зарарли одат ёки қизиқишлар пайдо бўлмаганига ишонч ҳосил қилишимиз керак.

Профилактика кунида пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 135-умумтаълим мактабида ўтказилган "Давомат" тадбирида ўқувчиларнинг нафақат дарсларга қатнашиши, балки уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига қанчалик риоя этаётгани ҳам эътибордан четда қолмади. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Синфхоналар мактаб либоси ўзига ярашган, кўзлари чақнаган ўғил-қизларга тўла.

Мактабнинг бир синфига кирганда туман ички ишлар бошқармаси ходимлари ўқувчиларнинг билакларини текшириб кўришга қарор қилди. Кутилмаган ҳолат рўй берди: икки ўқувчининг билакларида ўткир буюм билан кесиб чизилган балиқнинг расми борлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан ўтказилган суриштирув давомида ушбу ўқувчилар интернет тармоғида "Кўк кит" номи билан тарқалган ўйиннинг видеороligини кўриб, билакларига китнинг суратини чизганликлари маълум бўлди. Ўқувчиларнинг ота-оналари бундан мутлақо бехабар экан. Аянчли ҳодиса қандай оқибатга олиб бориши нафақат ўқувчилар, балки ота-оналарига чуқур тушунтирилди.

Бу ҳолат аниқланмай қолиши, шу ўқувчилар ажал домидан ортга қайта олмаслиги ҳам мумкин эди. Яхшиямки, профилактика куни муносабати билан мактабларда, ўқувчилар ўртасида илдиз отаётган айрим иллатлар аниқланиб, уларни бартараф этишга имконият туғилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пайшанба – профилактика куни сифатида белгиланганидан кўзланган мақсад ҳам шу аслида.

Навбатдаги профилактика кунида Яккасарой туманидаги интернет клублар, уларга кимлар ташриф буюраётгани ва нималар билан машғуллиги билан қизиқдик. Бобур кўчасидаги уйда жойлашган компьютерхонадамиз. Ним қоронғу хонада йигирматадан кўпроқ компьютер бўлиб, уларнинг ҳар бирида турли ёшдаги йигитлар турфа ўйинлар билан машғул. Қизиқ, соат энди 11 дан ошган бўлса, булар бу вақтда ё ишда, ё ўқишда бўлиши керак эмасми?

Уларнинг айримларини суҳбатга тортамиз. Ўзини Ботир (исмлар ўзгартирилган), деб таништирган ўсмир коллеж талабаси экан. Дарс вақтида бу ерда нима қилаётганини сўраганимизда, у ҳозир дарс йўқлигини, амалиёт вақти эканини айтди. Коллежнинг қайси йўналишида таҳсил олиши билан қизиққанимизда, у елка қисиб қўйди. Амалиётни қаерда ўташи кераклигини сўраганимизда, у ҳарқалай "Сергелида", деб жавоб берди. Унинг гуруҳдошидан ҳам худди шундай жавоб олдик.

Тумандаги яна бир неча интернет-кафеларга бош суқдик. Барчасида болалар, ўсмирлар. Аянчлиси, уларнинг кўпчилиги интернетдан илм ёки бирор фойдали маълумот эмас, ўйин ўйнаш мақсадида фойдаланаётгани аён бўлди. Ҳали дарс вақти тугамаган бўлса-да, туман ички ишлар бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш ва пост-патруль хизматининг автобуси ўқувчиларга тўлай, деб қолди.

Уларга қараб беихтиёр ота-оналарнинг, ўқитувчиларнинг кўзи қаерда, деб ўйлайди киши. Аслида улар тарбиядек нозик ва масъулиятли масалани бир-бирига копток мисол отаётганга ўхшайди.

Бўлмаса ҳали вояга етмаган ўсмирларнинг мобиль телефонларида беҳаё видеолар учрармиди? Лицей ўқувчиси Ҳамиднинг телефонида йигирмата беҳаё мазмундаги видеоролик борлиги туман ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан аниқланган.

Бундай нохуш ҳолатлар, афсуски, таълим муассасаларида учраб турибди. Энг ёмони, ана шундай иллатлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланмаган, ҳамма нарсага қизиқиши баланд фарзандларимизни ўз таъсирига янада кўпроқ тортиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун фарзанд тарбиясига ота-оналар жиддий муносабатда бўлиши зарур. Профилактика кунларида аниқланаётган юқоридаги ҳолатлар ҳар биримизни огоҳликка чорлайди.

Профилактика кунида Яккасарой туманининг айрим маҳаллаларида нотинч оилалар вакиллари билан суҳбатлар олиб борилган бўлса, баъзи маҳаллаларда сайёр суд мажлислари ташкил этилди. Қўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ профилактик тадбирлар ҳам ўтказилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида профилактика куни муносабати билан ўтказилган брифингда ўтган бир ҳафта давомида ўттиздан ортиқ жиноят фош этилгани ва қидирувда бўлган 45 нафар шахс ушлангани маълум қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

